O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ...
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 29 август чоршанба

Сотувда эркин нархда
№ 175-176 (2737-2738)

# ТОШКЕНТНИНГ ЕР ОСТИ КОШОНАЛАРИ ОЛТИТАГА КЎПАЙДИ



Ўзбекистон номи тилга олинганда, фақат деҳқончилик хаёлга келадиган даврлар аллақачон ортда қолди. Ҳадемай энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Мустақилликнинг ўн йиллигини кенг нишонлаймиз. Шундай қутлуғ сана арафасида ишга тушаётган янги-янги иншоотлар сирасига яна биттаси қўшилди. Метросозларимиз пойтахт ерости транспорти инфратузилмасини сезиларли даражада кенгайтирди. Метрополитеннинг учинчи қисми — "Ойбек" бекатидан хушҳаво Юнусобод мавзе томон янги йўналиш очилди.

Метро шаҳар жамоат транспорти ичида энг қулайи ҳисобланади. Йирик шаҳарларда йўловчиларнинг узоғини енгил қиладиган барча транспорт тури ҳам метро поездларидек қатъий тартиб билан қатнаши қийин. У иссиқда ҳам, совуқда ҳам, қору ёмғирли кунларда ҳам беминнат хизмат қилади. Энг муҳими, йўлида ҳеч қачон тиғизлик юзага келмайди.

28 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов метрополитеннинг янги қисми — Юнусобод йўналишининг биринчи навбатида бажарилган ишларни бориб кўрди.

Айни вақтга қадар мазкур йўналишнинг 7,61 километр масофага чўзилган ҳудудида катта кўламдаги қурилиш ишлари бажарилиб, олтита бекат фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Булар "Мингўрик", "Юнус Ражабий", "Абдулла Қодирий", "Минор", "Бодомзор", "Ҳабиб Абдуллаев" бекатларидир. Уларнинг ҳар бирига ўзига хос ва мос равишда сайқал берилган. Айни пайтда "Минор"да янги йўналишнинг муҳандислик корпуси жойлашган. Бу ерда компютерлар ёрдамида поездларнинг ҳаракати, электр таъминоти, шабадалаштириш ишлари бошқарилади.

Метросозларимизнинг бу каби фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб қадрланмоқда. Куни кеча Президентимизнинг Фармони билан соҳанинг бир гуруҳ илғор вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланди.

Давлатимиз раҳбари мазкур йўналишнинг энг муҳташам ерости қасрларидан бири — "Мингўрик" бекати орқали метрога тушди.

Президентимиз заҳматкаш метросозларнинг порлоқ меҳнати самарасини кўздан кечирар экан, бекатларни қуриш ва безаш ишларида асосан маҳаллий ашёлардан фойдаланилганига эътибор қаратди.

Бекатларга меъморликнинг шарқона услубларида зеб бериш учун ерости устунлари, девор ва юриш йўлакларида мармар тошларнинг "Зарбон", "Ғазғон", "Ғабро" каби ўндан ортиқ тури ишлатилган.

Бу йўналишнинг яна бир қулай жиҳати шундаки, бекатлар метронинг ҳар уч йўлини бир-бирига бевосита туташтиради. "Мингўрик" бекати метрополитеннинг иккинчи йўналиши — "Ўзбекистон" йўлининг "Ойбек" бекатига ўтишни таъминласа, "Юнус Ражабий" бекатидаги 140 метрли ўтиш йўли тўғри "Чилонзор" йўлининг "Амир Темур" бекати платформасига олиб чиқади.

Президент Ислом Каримов Бош вазир ўринбосари А.Исаев, Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов ва бошқа мутасаддилар ҳамроҳлигида янги поездга ўтириб, "Ҳабиб Абдуллаев" бекатигача борди ва шу ерда журналистларга интервью берди.

— Ўзбекистонда метро қурилиши бошланганида, — деди давлатимиз раҳбари, — эшитганлар ҳайратга тушган эди. Сейсмик жиҳатдан ўта мураккаб бўлган шаҳарда ерости транспорти қатновини йўлга қўйиш, улар назарида, ақл бовар қилмайдиган иш эди. Лекин олимларимиз барча мавжуд омилларни ҳисоб-китоб қилиб, лойиҳалаштирди ва метронинг фойдалилигини исботлади. Тошкент метрополитени қурилишида, айниқса, Шароф ака Рашидовнинг ҳиссаси беқиёс бўлган. У Москвадаги амалдорларни шу ишга розилик беришга кўндира олган. Янги станцияларни кўздан кечирар эканман, аввало, бу ишларни бошлаб берган ана шу инсоннинг заҳматию ғайрати ёдимга тушди.

Истиқлолимизнинг илк даврида олдимизда жуда кўп мураккаб масалалар кўндаланг турарди. Мамлакатни, деярли, бутунлай қайтадан қуриш, ҳар томонлама тиклаш лозим эди. Шундай оғир шароитда ҳам биз бўш келмадик, метро қурилиши борасидаги лойиҳаларни тўхтатмадик. Бунинг натижаси ўлароқ, бугун бир-биридан гўзал олтита бекат фойдаланишга тахт бўлди. Бунинг учун, аввало, метросозлар, умуман, мазкур қурилиш ишларига ҳисса қўшган барча корхона ва ташкилотлар ишчи-хизматчиларига таҳсин айтмоқ керак. Янги йўналишдаги қурилиш ишларининг 24-25 фоизи шу йилнинг сўнгги саккиз ойи мобайнида бажарилди. Бундай шароитда ҳисоб-китобни ўрнига қўйиб, бошлаган ишни қатъият билан охирига етказишнинг ўзи катта жасоратдир. Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент шаҳри аҳлини, бутун Ўзбекистон халқини бу тарихий воқеа билан муборакбод этаман. Аминманки, Тошкент метроси юртдошларимизнинг ифтихори, ғururига айланиб қолади.

**Анвар БОБОЕВ,**
**Ўктам ДЎСТЁР.**
**(ЎзА).**

**СУРАТДА: танишиш пайтидан лавҳа.**
**Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмита, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлаш, тиббиёт соҳасини ривожлантиришга қўшган салмоқли ҳиссаси, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:***

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист"**

**Максудов Алижан Абдуллаевич** — Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари — терговь бошқармаси бошлиғи

**Назаров Қозоқбой** — Жиззах вилоят прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими прокурори

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими"**

**Исмаилова Шахноза Махмудовна** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси"**

**Рихсиева Муборок Хикматовна** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Тошкент солиқ коллежи бошлиғининг ўқув ишлари бўйича ўринбосари

**Шигаев Наиль Ханафиевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи"**

**Гадоев Эркин Файзиевич** — Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган алоқа ходими"**

**Захаров Алексей Николаевич** — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

***Мамлакатимизнинг иқтисодиётини юксалтириш, унинг мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлаш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидоийлиги ва мардлиги, Қуролли Кучларнинг жанговар тайёргарлигини ошириш ҳамда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**"Меҳнат Шуҳрати" ордени билан**

**Нуритдинов Низомитдин Икромович** — Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий хизматчиси

**Шорахметов Шоакбар Шорустамович** — Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Тошкент Давлат юридик институти "Фуқаролик жараёни" кафедраси мудири

(Давоми 2-бетда).

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 август куни Оқсаройда Япония парламенти Вакиллар палатаси депутати Цутому Хатани қабул қилди.

Ўзбекистон-Япония муносабатлари ривожида кунчиқар мамлакат ҳукуматининг собиқ раҳбари бўлмиш Ц.Хатанинг ҳиссаси катта. Давлатимиз раҳбари 1994 йили Японияга буюрган расмий ташрифи чоғида Ц.Хата билан учрашиб, музокара ўтказган, мулоқотлар якунида икки томонлама ҳужжатлар қабул қилинган эди.

Айни пайтда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ҳар томонлама ривожланмоқда. Ўзаро айирбошланаётган товарлар, Ўзбекистон иқтисодига киритилаётган япон сармояси ҳажми ортиб боряпти. Юртимизга мазкур мамлакат киритган жами сармоя 1,3 миллиард доллардан ошиб кетди. Мамлакатимизда Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (JICA) ҳамда Ташқи савдо ташкилотининг (JETRO) ваколатхоналари, ўндан ортиқ қўшма корхона ишлаб турибди. Ўтган ҳафта Тошкентда Инсон имкониятларини ривожлантириш бўйича Ўзбекистон-Япония маркази иш бошлади.

Япония ҳукумати Ўзбекистонда таълим тизимини ривожлантиришга самарали ёрдам кўрсатмоқда. Айни кунларда пойтахтимизда Япония маданияти кунлари доирасида турли тадбирлар бўлиб ўтяпти.

Оқсаройдаги учрашувда мамлакатларимиз ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантиришга оид масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

**(ЎзА).**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

*ФАРМОНИ*

## "Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ" темир йўли қурилишида алоҳида ўрнак кўрсатган ходимлардан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Ватанимизнинг иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш, транспорт тизимини ривожлантириш соҳасидаги алоҳида хизматлари, Ўзбекистон темир йўллари тармоғини янада кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган "Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ" йўналишини барпо этишда фидокорлик намунасини кўрсатгани учун қуйидагиларга Фахрий унвонлар берилсин:***

**"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими"**

**Абдуяминов Равшан Абдунабиевич** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари

**Бердиев Ишкобул Чориевич** — Термиз темир йўл таъмирлаш корхонаси бошлиғи

**Рахманов Мансур Нематович** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси 164-машиналашган темир йўл станцияси катта машинисти

***Мустақиллик йилларида мамлакатимизда темир йўл тизимини тараққий эттиришга қўшган улкан ҳиссаси, халқаро Трансосиё магистралининг муҳим қисми — "Учқудуқ-Мискин-Султон Увайстоғ" темир йўл тармоғини қуришда кўрсатган ғайрат-шижоати, турли миллат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлаш, жамиятимизда тинчлик-тотувликни қарор топтириш борасидаги катта хизматлари, жамоат ишларидаги фаоллиги учун қуйидагилар мукофотлансин:***

**"Меҳнат шуҳрати" ордени билан**

**Аймурзаев Сейдулла Кадирбаевич** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси 279-машиналашган темир йўл станцияси созловчиси

**Аманбаев Умбетияр Доскабилович** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси Навоий темир йўл таъмирлаш корхонасининг таъмирловчиси

**Илясов Боходир Қиёмович** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компанияси 214-машиналашган темир йўл станцияси созловчиси

**Полишук Анатолий Кузмич** — "Жамбассувқурилиш" очиқ акциядорлик жамияти темир йўл қурилиш бўлимининг механизатори

(Давоми 2-бетда).

# ЯПОН ОПЕРАСИ — ЎЗБЕК САҲНАСИДА

Мамлакатимизда бошланган Япония маданияти кунлари муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида "Юдзуру" ("Тунги турна") операсининг премьераси бўлиб ўтди.

Япониялик машҳур бастакор Икума Дан ижодига мансуб "Тунги турна" операси илк маротаба 1952 йилда саҳна юзини кўрган. У япон халқ эртаги асосида яратилган бўлиб, ҳозирга қадар дунёнинг турли мамлакатларида тахминан етти юз марта муваффақият билан намойиш этилган.

Ўзбекистонликлар эътиборига ҳавола этилган мазкур опера япониялик таниқли режиссёр Сузуки Кэйсукэ томонидан саҳналаштирилди. Унда инсонийлик, меҳр-муҳаббат, оқибат ва дўстлик каби мангу қадриятлар тараннум этилган.

Дунёга донғи кетган "Юдзуру"нинг ўзбек диёрида ҳам намойиш этилиши, нафақат юртимиз санъатсеварлари, балки япониялик ижодкорлар томонидан ҳам алоҳида қувонч ва ғурур билан кутиб олинди.

Опера премьерасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў.Султонов, Бош вазир ўринбосарлари Ҳ.Кароматов, Д.Ғуломова, Р.Азимов, ташқи ишлар вазири А.Комилов, шунингдек, Япониянинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Киоко Накаяма ҳозир бўлди.

**(ЎзА).**

## Бугун Тошкентда Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси ўз ишини бошлайди

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

28 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг вилоятлар ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.

Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламенти олтинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг раҳбари Б. Бугровнинг тайёргарлик даврида қилинган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонунларнинг лойиҳалари ва бошқа ҳужжатлар тайёр эканлиги ҳақида ахборот бериб ўтдилар.

Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2001 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида молия вазири М. Нурмуродов ҳамда парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадовнинг ахборотини эшитди. Йиғилиш қатнашчилари мамлакатимиз асосий молиявий ҳужжатининг жорий йилнинг биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги маърузани парламентнинг олтинчи сессияси муҳокамасига киритишни тавсия этдилар.

Кенгаш А. Ҳайдаровни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг аъзоси этиб тасдиқлади.

Кенгаш аъзолари Олий Мажлиснинг бўлажак сессияси муҳокамасига киритиш учун тавсия этилаётган қўшимча масалалар хусусида фикрлашиб олдилар ҳамда уларни иккинчи чақириқ парламенти олтинчи сессияси ишининг кун тартибига киритишни депутатларга таклиф этиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Йиғилиш қатнашчилари Олий Мажлис олтинчи сессиясининг котибияти таркибига сиёсий партияларнинг депутатлик фракциялари ҳамда ҳокимият вакиллик органларининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатлари блоклари раҳбарлари билан келишилган ҳолда тавсия этилаётган номзодларни ҳам кўриб чиқдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколат доирасига кирадиган бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Кенгаш йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳи раҳбари Н. Исмоилов иштирок этди.

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олтинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси 29 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 29 август куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

# «ЎЗБЕКИСТОН ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДА»




Давлат матбуот қўмитасига қарашли "Ўзбекистон" нашриёти Ватанимиз мустақиллигининг ўн йиллигига бағишлаб "Ўзбекистон юксалиш йўлида" мавзуидаги альбомни нашрдан чиқарди.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда қўлга киритилган улкан ютуқлар, халқимиз ҳаётида рўй бераётган мислсиз ўзгаришлар, ўлкамиз табиатининг гўзал ва бетакрор манзаралари, қадимий тарихимиз, бой маданиятимиз, серқирра санъатимиз ҳақида ҳикоя қилувчи ушбу китоб энг азиз, энг мўътабар байрамимиз — Истиқлолимизнинг ўн йиллиги арафасида ўзбек, инглиз ва рус тилларида чоп этилиши муштарийлар ҳамда хорижлик меҳмонлар учун ўзига хос совға бўлди.

"Ўзбекистон юксалиш йўлида" китоби Президентимиз Ислом Каримовнинг бундан ўн йил муқаддам айтган қуйидаги тарихий сўзлари билан очилади: "Халқимиз хоҳиш-иродасини бажо келтириб, Ўзбекистоннинг мустақиллиги ҳақидаги қонунни қабул қилишни таклиф этаман. Халқимизнинг бу эзгу хоҳиш-иродаси биз учун муқаддасдир.

Мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланади ҳамда фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолади.

Мен шу бугундан эътиборан биринчи сентябрни жумҳуриятимизда Мустақиллик куни, умумхалқ байрами деб эълон қилишни таклиф этаман.

Бу байрам абадулабад бўлсин!"

Китоб ўнта бобдан иборат бўлиб, унда истиқлол йилларида босиб ўтилган оламшумул йўл, эришилган муваффақиятлар, халқимизнинг турмуши, Ватанимизнинг гўзал қиёфаси тўла акс эттирилган.

"Ўзбекистон тинчлик ва барқарорлик йўлида" номли илк бобда мустақиллигимизнинг жаҳон миқёсида эътироф этилиши, Ўзбекистоннинг БМТ, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда бошқа нуфузли халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки тўғрисида сўз юритилади. "Демократик қадриятлар устуворлиги йўлидан" бобида эса Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат қуриш борасида қисқа муддат ичида амалга оширилган улкан ўзгаришлар кенг ёритилган.

Рангли альбомнинг "Юксалиш сари" бобида мамлакатимизда эркин бозор иқтисодиётига асосланган янги иқтисодий тизим негизларининг барпо этилиши ва саноат, қишлоқ хўжалиги соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, бунда "Ўзбек модели"нинг беқиёс ўрни ва аҳамияти кенг акс эттирилган.

Муштарий мустақиллик йилларида бунёд этилган йирик иншоотлар — Кўкдумалоқ нефт кони, Қоровулбозор нефтни қайта ишлаш заводи, "ЎзДЭУавто", "СамКочавто", "Зарафшон-Ньюмонт" каби улкан корхоналар, шаҳарсозликдаги ютуқлар — муҳташам бинолар, кенг ва равон йўллар, мустаҳкам кўприклар, маданият объектлари, замонавий коммуникациялар — Қамчиқ довонидаги ер ости йўллари, янги автомобиль ва темир йўл тармоқларининг рангли суратларини кўздан кечирар экан, истиқлол шарофати туфайли халқимиз буюк бунёдкорлик салоҳияти жўш урганлигининг гувоҳи бўлади.

Китобнинг "Халқ ризқ-рўзи", "Қадимий цивилизация бешиги", "Тошкент — Ватаннинг муборак остонаси", "Маънавий юксалиш", "Беқиёс гўзал ўлка" сингари бобларида Ўзбекистон заминининг табиий бойликлари, она табиат саховати, аждодларимиз бизга қолдирган бой ижодий мероси, серҳиммат ва бағрикенг одамлари, жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бирига айланиб бораётган меҳмондўст пойтахтимиз ҳақида ҳикоя қилинади. "Ўзбекистон янги асрда" бобидаги суратларда эса юртимизнинг иқтисодиёт, сиёсат, таълим ва маданият соҳаларидаги улкан ўзгаришлар ўз аксини топган.

Рангли альбомнинг мазмун-мундарижасини белгилашда архив ҳужжатлари, фотосуратлар ва бошқа тасвирий воситаларни танлашда ўн йиллик мустақил тараққиёт йўлида мамлакатимизда амалга оширилган ўзгаришларни миллий тарихимиз манзаралари билан узвий боғлиқ ҳолда ифодалаб беришга алоҳида эътибор қаратилган.

Мамлакатимиз тараққиётининг дадил қадамлари ҳақида рангли суратлар орқали ҳикоя қилувчи бу китоб чин маънода ўзига хос солнома бўлиб, янги тарихимиз саҳифаларида қолиши шубҳасиз.

**(ЎзА).**

Азиз ва муҳтарам
Ватандошлар, дўстлар!

# «COSCOM»
## қўшма корхонаси жамоаси

**номидан барчангизни
Ватанимиз мустақиллигининг
10 йиллик тўйи муносабати билан
табриклаймиз.**

Тошкент

Мустақилликка эришган кундан бошлаб ўтган 10 йил мобайнида Ўзбекистонимизнинг халқаро телекоммуникация ҳамжамиятида тўлақонли аъзоси сифатида эътироф этилиб, ўз ўрнини топишида жамоамизнинг камтарона ҳиссаси борлиги бизни бениҳоя қувонтиради.

**Азиз юртдошлар!**

«Коском» тармоқларининг Андижон, Марғилон, Қўқон шаҳарларида ишга туширилиши, пойтахтимиз гўзал Тошкент ва Наманганда, кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд ва Бухоро шаҳарларида алоқа сифатини яхшилаш борасида олиб борилаётган ишларни ҳамда яқин кунларда Қарши, Олмалиқ ва Оҳангарон шаҳарларида тармоғимиздан юртдошларимизнинг фойдаланиш имкониятига эга бўлишини сиз, азизлар Мустақиллик байрамига тўёна сифатида қабул қилгайсиз.

Ушбу қувончли ва нурафшон кунларда сизларга саломатлик ва тинчлик, чексиз қувонч ва бахт, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлида кўрсатаётган хизматингизда улкан муваффақиятлар тилаймиз!

# «ИПАК ЙЎЛИ»

ИПАК ЙЎЛИ

**АКЦИЯДОРЛИК ИННОВАЦИОН ТИЖОРАТ БАНКИ**

**Ўзбекистон аҳолисини ИСТИҚЛОЛНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН муборакбод этади!**






**«Ипак йўли» Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда сизнинг эътиборингизга хусусий тадбиркорлар ва корхоналарнинг айланма маблағларини микрокредитлаш бўйича махсус дастурини таклиф этади.**

**Шунингдек:**

- American Express йўл чекларини тўловга қабул қилади ва сотади.
- Валюта маблағларини Ўзбекистонга ва Ўзбекистондан яқин ва узоқ хориж давлатларига ўтказади.

***«Ипак йўли» банки билан яқин ҳамкорлик — сизнинг тижоратдаги ютуқларингиз гарови.***

**Тошкент** «Фарҳод» к., 12-«А» уй (м. «Чилонзор» бекати). Тел.: 76-85-52, 116-19-91, факс 116-58-44. Ҳ.Олимжон к., 5-уй (м. «Ҳ.Олимжон» бекати). Тел.: 133-67-80, 133-75-10, 133-69-66.

**Самарқанд** «Даҳбет» к., 14-уй. Тел.: (3662) 35-17-09, 31-22-86.

**Наманган** «Ғалаба» к., 2-уй. Тел.: (36922) 2-28-56, 2-06-88.

**Навоий** «Халқлар дўстлиги» к., 122-уй. Тел.: (43622) 4-57-81, 4-40-71.

4669


*Банклар — иқтисодиёт таянчи*

# ҲАМКОРЛИКДА

***Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил биринчи ярми якунларига бағишланган мажлисида иқтисодий ислоҳотлар жараёни кўп жиҳатдан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш устувор аҳамиятга эга бўлган ва у давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган мамлакатларда, жумладан, Германия, Япония, АҚШда катта муваффақиятларга эришиш имконини берганлигига эътибор қаратилди. Шу боис мазкур йўналишни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитларни шакллантириш борасида амалга оширилган тадбирлар натижасида Ўзбекистонда янги мулкдорлар синфи шаклланиб бораётгани таъкидлаб ўтилди. Янги мулкдорлар тобора кўпроқ янги ишчи ўринларини вужудга келтириб, истеъмол бозорини товарлар билан тўлдиришга, ўз маҳсулотларини хорижга экспорт қилиш орқали мамлакат валюта захирасининг ошишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.***

Бунда Марказий банк Тошкент вилоят Бош бошқармасининг ҳам муайян улуши бор. Жамоамиз аҳли тижорат банкларининг 69 та бўлими фаолиятини мувофиқлаштириб бориб, бир қатор ютуқларга эришмоқда. Президентимизнинг 2000 йил 21 мартдаги «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларидан келиб чиқиб, микрофирмалар, кичик ва ўрта бизнес корхоналари, деҳқон ва фермер хўжаликларининг юқори технологик ҳамда инновация лойиҳаларини кредитлаш мақсадида барча банкларнинг бўлимларида имтиёзли кредитлаш жамғармалари ташкил этилган эди. 2001 йилнинг 1 июл ҳолатига кўра, ана шу жамғармалар томонидан 701,8 млн. сўм ажратилди. Ушбу маблағлар Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори бўлмаган фоизларда тўлалигича инвестиция лойиҳаларини молиялашга йўналтирилди. Бу ўз навбатида тадбиркорларга ўз фаолиятларини бошлаш ва ривожлантириш учун кенг имкониятлар яратди.

Шу билан бирга, банклар томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилган кредит қолдиғи ўтган даврда 6,1 млрд. сўмга етиб, йил бошидаги кўрсаткичга нисбатан 1,5 млрд. сўмга ортди. Айни чоғда Миллий банк томонидан ҳам кичик ва ўрта бизнес субъектларига 32,3 минг АҚШ доллари миқдорида микрокредитлар берилди. Миллий валютадаги кредитларнинг 678,4 млн. сўми эса бюджетдан ташқари жамғармаларнинг маблағларидир.

Эътиборлиси, кредитлар асосан иқтисодиётнинг муҳим соҳаларини ривожлантириш учун сарфланмоқда. Масалан, унинг 778,6 млн. сўми қишлоқ хўжалигига, 872 млн. сўми саноатга, 2226 млн. сўми аҳолини истеъмол моллари билан таъминлашга, 262,8 млн.сўми қурилиш ва маиший хизматлар кўрсатишга ва 245,3 млн.сўми бошқа тармоқларга йўналтирилди.

Кичик ва ўрта бизнес субъектларига ажратилаётган кредитларнинг қисқа фурсатларда самара бераётганлиги, албатта, биз, банк ходимларига қувонч бахш этмоқда. Мисолларга мурожаат қилайлик, «Тадбиркор-банк»нинг Пскент бўлими ўз маблағи ҳисобидан «Кенаф» Ўзбекистон — Чехия қўшма корхонасига брезент ишлаб чиқариш учун 35,0 млн. сўм кредит ажратган эди. Натижада бу ерда 35 та янги иш ўрни очилди, қўшма корхонада бир ойлик маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми икки баравар ошди. Яъни, ойига 85 минг метр брезент матоси ишлаб чиқа-


SQB

# «ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК»

**Хурматли Ватандошлар!**

**Жонажон Ватанимиз учун қувонч ва ифтихор туйғулари билан сиз, азиз юртдошларни энг улуғ байрам —**

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН**

**қизғин қутлаймиз!**

**Мана шу тарихан қисқа фурсат ичида мамлакатимиз шонли йўлни босиб ўтди. Биз ҳам барча юртдошларимиз каби келажаги буюк давлатимиз равнақи йўлида меҳнат қилаётганимиздан мамнунмиз.**



***Азиз ватандошлар!***

*Сизларни улуғ айём билан қутлар эканмиз,мана шундай ҳаяжонли ва қутлуғ дақиқалар ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини тилаймиз.*
*Гўзал юртимиз янада гуллаб-яшнаши йўлидаги меҳнатингизда зафарлар ёр бўлсин!*
*Меҳнаткаш, бағри кенг, матонатли ва ор-номусли халқимиз ҳамиша омон бўлсин.*

*Азиз Ватанимиз дунё тургунча турсин!*
*Озодлик қуёши мангу нур сочаверсин.*
*Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!*

**Сизга хизмат кўрсатишдан мамнунмиз!**

4609

ришга эришилди. Бугунги кунда меҳнат аҳли ҳар ойда 90 млн. сўмлик брезент маҳсулотларини харидорларга етказиб бермоқда. Жорий йилнинг ўтган олти ойи давомида эса 58,5 млн. сўм соф фойда олинди.

# ҲИКМАТ КЎП

«Кенаф»нинг асосий харидорларидан бири «Ўзпахтасаноат» бўлиб, илгари мазкур уюшма брезентни валюта эвазига четдан сотиб оларди. Қўшма корхона ташкил этилгани эса республикамизда катта миқдорда валютани тежаш имконини бермоқда.

«Тадбиркорбанк»нинг Тошкент тумани бўлими ҳам «Феруз» корхонасига 10 млн. сўм миқдорида кредит маблағи ажратгач, унга қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун дастгоҳлар харид қилинганди. Айни пайтда жамоада 36 нафар ишчи ойига 2,5 млн. сўмлик маҳсулот тайёрламоқда. Шунингдек, «Саноатқурилишбанк»нинг Янгийўл бўлими «Хоразм маркет» масъулияти чекланган жамиятига 13 млн. сўм миқдорида кредит берган эди. Бунинг ҳисобига эса «Кетчуп» ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Пировардида корхона қисқа муддатда 11 млн. сўм миқдоридаги даромадни қўлга киритди.

Кичик ва ўрта бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш борасида, айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 4 мартдаги «Фермерларни, хусусий тадбиркорларни ҳамда кичик ва ўрта бизнеснинг бошқа субъектларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Бу ҳужжатга мувофиқ, 2000 йилнинг 1 июлигача Тошкент вилоятида камида 100 та фермер хўжалигига 10 минг АҚШ долларига тенг миқдорида чет эл валютасида ёки миллий валютада микрокредитлар ажратиш белгилаб қўйилганди. Шу давр мобайнида биргина «Пахтабанк» томонидан 394 та деҳқон ва фермер хўжалигига мини-цехлар қуриш, мини-техника ва ускуналар сотиб олиш учун 481,8 млн. сўм микрокредит ажратилди. Умуман, ўтган йили барча тижорат банклари 1071 та деҳқон ва фермер хўжалиги ҳамда кичик ва ўрта корхонага имтиёзли шартларда жами 1341,5 млн. сўм миқдорида кредит берди.

Аҳоли омонатлари ва юридик шахсларнинг муддатли депозитлари бўйича тўланадиган фоиз ставкалари ҳамда кредитларнинг фоизлари тўғрисидаги маълумотлар эса мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида эълон қилиб борилмоқда. Ушбу тадбир банкларнинг мижозлар билан ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, молиявий бозорда соғлом рақобат муҳитини яратишда яхши самара бермоқда. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 июндаги «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори банк ва унинг мижозлари ўртасидаги муносабатларнинг ҳуқуқий асосини янада такомиллаштиришда муҳим омил бўлди.

Мухтасар қилиб айтганда, банклар томонидан кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар республикамизда мазкур йўналишнинг жадал ривожланишига олиб келмоқда. Оқибатда экспортбоп товарлар ишлаб чиқаришда, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришда кутилган натижаларга эришиляпти.

Банклар ва унинг мижозлари ўртасидаги ҳамкорликда ҳикмат кўп. Буни тажриба ҳам яққол кўрсатиб турибди. Шу боис биз бундан буён ҳам ўрта ва кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик субъектлари билан ҳамкорликда иш юритиб, уларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун мавжуд имкониятларимиздан янада самарали фойдаланаверамиз.

**А.МИРЗАГЕЛДИЕВА,**
**Марказий банк Тошкент вилоят Бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.**


Хусусий очиқ акциядорлик тижорат банки —
BUSINESS BANK
«Бизнес Банк»
Она-Ватанимиз —
Ўзбекистон Республикаси
фуқароларини ва азиз пойтахтимиз
меҳмонларини кириб келаётган
Мустақиллик
байрами билан самимий
табриклайди!
Сизларга соғлиқ, оилавий тотувлик,
хонадонингизга қут-барака тилаймиз.
Осмонимиз ҳамиша мусаффо бўлсин!
Барча бошлаган ишларингизда
улкан зафарлар тилаймиз!
4678

ТУРОН БАНК
Ҳурматли муассислар ва қадрли акциядорлар, муҳтарам мижозлар ва азиз ҳамкасблар!
«ТУРОН»
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БИРЛАШТИРУВ БАНКИ
сизларни улуғ айём —
Ўзбекистон мустақиллигининг
10 йиллик байрами билан самимий қутлайди.
Ҳар бирингизга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга
тинчлик-тотувлик, хонадонингизга қут-барака тилаймиз!
Ўзбекистон давлатининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва халқ турмуш
фаровонлигини ошириш йўлидаги саъй-ҳаракатларингизда омад ёр бўлсин!
Муқаддас юртимизнинг шон-шуҳрати янада зиёда бўлсин.
Мустақиллик айёми муборак, азиз ватандошлар!
«Турон» банки — Сизнинг ишончли ҳамкорингиз.

Мустақиллик мушоираси

# Ёлғизим сенсан, Ватан

*Саҳроларинг саробида*
*Соябондир ҳар бутанг.*
*Қалбимнинг жон меҳробида*
*Азиз-авлиё Ватан.*

*Ҳар бир киприк ҳужайрамда*
*Боболарнинг ҳоки бор.*
*Унутмадим ғам, байрамда*
*Ўзликка кутдим барор.*

*Ўтмишингда жонин фидо*
*Қилди сен деб ҳар Жалол.*
*Тугаб битди нидоларим*
*Етиб келди истиқлол.*

*Аждодлардан мерос макон,*
*Сен биз учун жон ва тан.*
*Жаҳонда ҳур Ўзбекистон —*
*Ёлғизим сенсан, Ватан.*

**Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ.**

# Давр нафаси

*Сокин кезмоқдадир давр нафаси,*
*Қалбларга бахш этиб ҳузур — ҳаловат.*
*Тинчлик қўнғироғин жарангдор саси*
*Кўк узра мавжланиб, ёзмоқда қанот.*

*Барчамиз бу элда бир жон, бир тандек,*
*Ҳисса қўшмоқдамиз тараққиётга,*
*Мисоли яшнаган гулгун чамандек,*
*Эришдек бахтиёр ва ҳур ҳаётга.*

*Нурли келажакка ишонч-ла боқиб,*
*Унинг шарофатин англаб яшаймиз.*
*Янги аср манзилин маёғин ёқиб,*
*У томон омадли қадам ташлаймиз.*

*Истиқлол абадий бўлсин, ватандош,*
*Сенга гуркираган эрк, бахт тилайман.*
*Кулиб боқаверсин ҳамиша қуёш,*
*Саодат рамзли тож-тахт тилайман.*

**Муҳаммад СОИП,**
**меҳнат фахрийси.**

«Ватан ягонадир, Ватан биттадир» танловига



***Ширинтойсиз,***
***кичкинтойсиз,***
***гижингтойсиз,***
***Ҳур***
***ўлканинг,***
***келажакнинг***
***ворисисиз.***



**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.**

## Шаҳрисабз – мўътабар шаҳарлар рўйхатида

Шу йил май ойида Шаҳрисабз ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган эди. Шу муносабат билан шаҳарда тантанали митинг бўлиб ўтди. ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн шаҳар ҳокими Ш.Ражабовга Шаҳрисабзнинг Жаҳон мероси рўйхатига олингани тўғрисидаги гувоҳномани топширди.

Митингда сўзга чиққан олимлар, зиёлилар шаҳарнинг тарихи, жаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва бугунги куни ҳақида гапирди.

Майкл Барри Лейн ва тадбирга ташриф буюрган бошқа меҳмонлар Шаҳрисабз шаҳридаги тарихий обидаларни зиёрат қилди. Амир Темур ҳайкали пойига гул қўйди.

**А.ТАЙПАТОВ,**
**ЎзА мухбири.**

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» миллий экспорт-импорт суғурта компаниясининг шўъба корхонаси

«Ўзбекинвест Эксиминформ»

Маркетинг агентлиги

БЎШ ЎРИНЛАРГА ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ БЎЙИЧА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловда иштирок этувчиларга қуйидаги талаблар қўйилади:
Иқтисод ва молия йўналишларидаги олий маълумот, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларда иш тажрибасига эга бўлиш, инглиз ёки бирор бошқа чет тилларини билишдан иборат.



Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Лисунов-4 даҳаси, 68-уй.
Маълумот учун телефонлар: 97-85-77, 97-93-03.

4670

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ТРАНСПОРТ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТНИ ЛИЦЕНЗИЯЛАШ КОМИССИЯСИНИНГ

**2001 йил 17 августдаги 43-сонли мажлис баённомасига асосан автотранспорт ва транспорт-экспедиторлик фаолияти учун берилган қуйидаги рақамлардаги**

## ЛИЦЕНЗИЯЛАРНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ ТУГАТИЛДИ:

**АТ № 0005097 -** «Вобкент-Олмос» хусусий фирмаси (Бухоро вилояти, Вобкент тумани);
**АТ № 0000025 -** «Марғилон автобус таксомотор саройи» акциядорлик жамияти (Фарғона вилояти, Марғилон ш.);
**АТ №№ 0004980, 0004981, 0004982 -** «Аракс» кўптармоқли кичик корхонаси (Хоразм вилояти, Хива тумани);
**АТ №№ 0004842, 0004843 -** «Қарши транспорт экспедиторлик корхонаси» ОТҲЖ (Қарши ш.);
**АТ №№ 0005001, 0005002 -** «Автойўл-қурилиш» ОАЖ (Тошкент вилояти, Юқоричирчиқ тумани);
**АТ №№ 0004993, 0004994 -** «Техпромсервис-М» ишлаб чиқариш корхонаси (Тошкент вилояти, Қибрай тумани);
**АТ №№ 0005179, 0005180 -** «Миробод Махсустранс» давлат унитар корхонаси (Тошкент ш.);
**АТ №№ 000454, 000654, 000882 -** «B.K.INTRANS» ТСТ ОТҲЖ (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0005181, 0005182 -** «Яккасарой Махсустранс» давлат унитар корхонаси (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0000464, 0000669 -** 2512-автожамланма (Тошкент ш.);
**АТ № 0006041 -** «Хувайдо» кўптармоқли савдо ишлаб чиқариш хусусий фирмаси (Наманган ш);
**АТ №№ 0000118, 0000307 -** «Келес автобус таксомотор саройи» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Тошкент тумани);
**АТ №№ 0005212, 0005213 -** «Энергетик» ОҲЖ (Тошкент вилояти, Зангиота тумани);
**АТ №№ 0004792, 0004793 -** МЧЖ шаклидаги «Электрсозлаш» маҳсуслашган кичик корхона (Тошкент ш.);
**АТ № 0004920 -** «ОлмаликАГРЭ» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Олмалиқ ш.);
**АТ № 0005604 -** «Сурхондарё автомобил ўқув-ишлаб чиқариш комбинати» МЧЖ (Сурхондарё вилояти, Денов ш.);
**АТ №№ 0004955, 0004956 -** «Бухоро автомобил ўқув-ишлаб чиқариш комбинати» МЧЖ (Бухоро ш.);
**АТ № 0000095 -** «Махсус тажриба автокорхонаси» ОТҲЖ (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0005149, 0005150 -** «Акмал Икромов Махсустранс» давлат унитар корхонаси (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0000129, 0000318 -** «Зафар автобус таксомотор саройи» ҲЖ (Тошкент вилояти, Бекобод тумани);
**АТ №№ 0000001, 0000114, 000303 -** «Олмалиқ автобус таксомотор саройи» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Олмалиқ тумани);
**АТ №№ 0005217, 0005218, 0005219, 0005220 -** «Ипак йўли автотранс» ОТҲЖ (Тошкент ш.);
**АТ № 0004958 -** МЧЖ шаклидаги «АГАЛИК ЛОМАНН-ПАРРАНДА» Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси (Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани);
**АТ № 0006014 -** «Автомобилчи-2000» ХФ (Навоий вилояти, Қизилтепа тумани);
**АТ № 0004962 -** «Қашқадарёмармар» ОТҲЖ (Қашқадарё вилояти, Китоб ш.);
**АТ №№ 0000124, 0000313, 0001637 -** «Шаҳарлараро йўловчи ташиш Тошвилавтосаройи» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Қибрай тумани);
**АТ №№ 0005120, 0005121 -** «Шайҳонтоҳур-Махсустранс» давлат унитар корхонаси (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0000006, 0000123, 0000312 -** «Янгийўл автобус таксомотор саройи» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Янгийўл ш.);
**АТ № 0005052 -** Ўзбекистон Кўрлар жамиятига қарашли Хўжайли ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси (Қорақалпоғистон Республикаси, Хўжайли ш.);
**АТ №№ 0006044, 0006045 -** «РАУАЖ» кўптармоқли хусусий фирмаси (Нукус ш.);
**АТ №№ 0004822, 0004823 -** «Носозларни тиклаш хизмати» шўъба корхонаси (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0000117, 0000306 -** «Бўка автобус таксомотор саройи» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Бўка ш.);
**АТ №№ 0005055, 0005056, 0005057 -** «Наманган автомобил ўқув-ишлаб чиқариш комбинати» МЧЖ (Наманган ш.);
**АТ № 0005610 -** «Абдулло» хусусий фирмаси (Андижон ш.);
**АТ № 0004891 -** «REGIONAL GEOLOGIA» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Зангиота тумани);
**АТ №№ 0000948, 0000655, 0000883 -** «КАМКО» Ўзбекистон-Россия- Австрия қўшма корхонаси (Тошкент ш.);
**АТ №№ 000280, 000450, 000650, 000878 -** «Фарғонатрансэкспедиция» ҲЖ (Фарғона ш.);
**АТ №№ 0005348, 000282, 000452, 000652, 000880 -** «Навоий-трансэкспедиция» ОҲЖ (Навоий ш.);
**АТ №№ 0001146, 0001147, 0001148 -** Ўзбекистон-Росссия қўшма корхонаси «Спутник-Навои» МЧЖ (Навоий ш.);
**АТ № 0000094 -** «Автокомбинат №2» ОТҲЖ (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0000933, 0000934, 0000935 -** «Ўзавтосаноаттранс» автотраспорт бирлашмаси (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0001281, 0001282, 0001283 -** «Қашқадарёсайёҳ» ҲЖ (Қарши ш.);
**АТ №№ 0001140, 0001141, 0001143, 0001144 -** «Тошметроқурилиш» қурилиш бошқармаси автобазаси (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0002023, 0002024 -** «ДИОР» ОТҲЖ (Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани);
**АТ № 0005044 -** «Автосанкомплект» ОТҲЖ (Тошкент ш.);
**АТ №№ 0003475, 0003476 -** «Тошкентгеология» давлат геологик корхонаси (Тошкент ш.);
**АТ № 0003970 -** «Тўполонгидроқурилиш» қурилиш-монтаж бошқармаси (Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани);
**АТ № 0002925, 0004094 -** «Намангангаз» вилоят бошқармаси (Наманган ш.);
**АТ №№ 0001535, 0001536, 0002547, 0005923, 0006277, 0006278 -** «САРБОН» ОТҲЖ (Тошкент ш.);
**АТ № 0005586 -** Ўзбекистон-Англия қўшма корхонаси «КОНВИН» ОТҲЖ (Тошкент вилояти, Ғазалкент ш.);
**АТ №№ 0002401, 0002402 -** «Қувасойавтоагро» ОТҲЖ (Фарғона вилояти, Қувасой ш.);
**ТЭ №№ 0009107, 0009123 -** «Trans Rail» қўшма корхонаси (Тошкент ш.);
**ТЭ №№ 0009103, 0009119 -** «Транстуркистон» ЁТҲЖ (Тошкент ш.).

## ЛИЦЕНЗИЯЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ:

**АТ № 0004732 -** МСПМК-116 (Андижон вилояти, Андижон тумани);
**АТ №№ 0005174, 0005175 -** Жалолқудуқ коммунал-фойдаланиш бошқармаси (Андижон вилояти, Жалолқудуқ тумани);
**АТ № 0005785 -** «ҒОЛИБ» хусусий кичик савдо корхонаси (Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод тумани);
**АТ № 0005068 -** «Хумо» жамоа корхонаси (Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани);
**АТ № 0005099 -** «Қаршиқурилиш» таъминот бош бошқармаси (Қарши ш.);
**АТ № 0004739 -** «Шаҳрисабз-24» ОТҲЖ (Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз ш.);
**АТ № 0005742 -** «Оқ йўл» шахсий автотранспорт эгалари уюшмаси (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани);
**АТ № 0005743 -** «Хатирчи хусус-транс» уюшмаси (Навоий вилояти, Хатирчи тумани);
**АТ № 0005064 -** «Агромаштаъмирқурилиш» ОТҲЖ (Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон ш.);
**АТ № 0004783 -** Сариосиё қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси (Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани);
**АТ № 0005783, 0005784 -** «Транзит» хусусий ишлаб чиқариш фирмаси (Гулистон ш.);
**АТ № 0006639 -** «Багдагуль» кўптармоқли хусусий корхонаси (Нукус ш.);
**АТ № 0006512 -** «Жумахан» ишлаб чиқариш-тижорат фирмаси (Нукус ш.);
**АТ № 0005745 -** «Навоийсувқурилиш» трестининг 3-сонли механизациялашган кўчма колоннаси (Навоий вилояти, Навбаҳор тумани).

4703

Сурхондарё вилоят «БОЗОР» очиқ турдаги акционерлик жамиятлари фаолиятини мувофиқлаштириш бирлашмаси

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ РЕСПУБЛИКА МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ МУБОРАК 10 ЙИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ!



Бозорлар — эл-юрт фаровонлиги кўзгуси. Бозорнинг ободлиги — лафзи ҳалол, меҳнатсевар юртдошларимиз интилишларининг ифодаси.

Мустақиллик йилларида Шарқ бозорлари анъаналари ва жаҳон бозорлари тажрибаларини ўзида мужассамлаштира билган бозор тизими барпо этилди.

Бозорларимиз маънавиятимиз камолига, ислоҳотларимиз манфаатларига хизмат қилажак.

4704

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети жамоаси ЭА ва ХТ факультетининг «Радиотехника ва радиосистемалар» кафедраси мудири Абдулазиз Назаровга волидаи муҳтарамаси

**МУҲАРРАМ аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«O'ZOZIQOVQATTA'MINOT» давлат акциядорлик компанияси жамоаси «SURXONDARYOVILOYATOZIQOVQATTA'MINOT» шўъба хўжалик жамиятининг собиқ директори

**Омон ЖЎРАҚУЛОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси жамоаси Давлат божхона қўмитаси раиси Ўткир Комиловга волидаи муҳтарамаси

**Жамила ая КОМИЛОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат аграр университети ректорати ва жамоаси Иқтисод факультети декани, профессор Болташ Абдалимовга опаси

**Пўлатой АБДАЛИМ қизининг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Ш. Ризаев, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, О. Қаипбергенов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 2715. 20397 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшид ТОҒАЕВ ва Зокир Болтаев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти—21.00 *топширилди: 22.10* 1 2 3 4 5 6